





XXI аср бусавасига

# АХБОРОТЛАШТИРИЛГАН ЖАМИЯТ САРИ

Хозирги замонни информатика савури деб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам жамиятимизни ахборот жамияти деб таърифлаш мумкин. Бугун республикамизда замонавий технологияларга асосланган, жаҳон андозларига жавоб бера оладиган автомобилсозлик каби халқ ҳўжамлигини бутунлай янги тармоқларга юзуга келди. Республикада иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бормоқда. Ёқилги ва энергетика комплекси, енгил санаот, озиқ-овқат санаоти, телекоммуникация тизими ва бошқа соҳаларга қўллаб чет эл инвестициялари жалб этилмоқда. Ҳў навбатиди, бу жараёнлар улкан ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш билан бевосита боғлиқдир. Бундай шартда замонавий компьютер технологияларининг бошқарув, ишлаб чиқариш ва шу билан бирга таълим жараёнига кириб келиши ниҳоятда кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш концепциясида миллий ахборот-ҳисоблаш тармогини яратиш, ахборотларни қайта ишлашда жаҳон андозларига риоя қилиш, информатика санаотини яратиш ва ривожлантириш каби масалалар ўрин олган. Мазкур концепциянинг асосий қоидаларига таяниб, таълимда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш дастурида таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ахборот тизими яратиши кўзда тутилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилатган тул ислохлар таълим тизимининг яхлит ахборот мактабини вужудга келтириш жараёни чўқурлаштириди. Бунда замонавий ахборот технологиялари, компьютер тармоқли даржада қўллашга жараёни компьютерлаштириш-

га алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса ўз навбатида, олий ўқув юрталари олдида замонавий ахборот технологияларининг барча қўнмақларига эга бўлган, бозор иқтисодиёти шартларида ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳал қилишга қодир юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш вазифасини кўзди.

Ахборот технологиялари фанларини ўқитишда «Информатика» фани алоҳида ўрин тутди. Шуни таъкидлаш лозим. «Информатика» фани бугунги кунда нафақат олий ўқув юрталарида, балки мактабларда, ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасалари-

ти ва айрим олий ўқув юрталарида масофадан ўқитиш шакллари тadbик этиш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Масофадан ўқитиш усули асосида таълимнинг ўрта, ўрта махсус, касб-хўнар, олий, малака ошириш босқичларини амалга ошириш мумкин. Бизнинг фикримизча, ушбу усул асосида, айниқса, сиртки таълим олиш шакли яхши самдари бериши мумкин. АҚШ, Англия, Япония давлатларида бу борада тўпланган тажрибалар масофадан ўқитиш усули ўқувчилар орасида катта қизиқиш уйғотишидан гувоҳлик бермоқда. Ушбу усулнинг афзалли-

Мен XXI аср маънавият асри, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман.  
Ислон КАРИМОВ.

да ҳам ўтилмоқда. Бу ўринда академик лицейлар, касб-хўнар коллежларида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Бугун республикамизнинг барча вилоятларида замонавий компьютерлар билан жиҳозланган махсус синфхоналарга эга илш ва коллежларнинг соми ортиб бораёти.

Республикамизда ўқув юрталарида «Информатика» фанининг ўқитилиши, ўқув жараёнининг ташкил этилиши, замонавий техника воситаларидан фойдаланилиши республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан доимий назорат қилиб келинмоқда. Айрим олий ўқув юрталари фаолиятининг тахлилий кейинги йилларда «Информатика» фанини ўқитиш борасида бир талай ишлар амалга оширилганини кўрсатади. Биринчи навбатда, замонавий компьютер тармоқли сезиларли даражада кенгайгани кўзга ташланади. Шу билан бирга,

ланганлик даражаси ва улардан фойдалана олиш имкониятлари фанларнинг ўқитилишида муҳим ўрин тутди ҳамда лаборатория, амалий машғулотларни тўлиқ дас-турда ўтишга имкон яратди. Бу ўринда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида қилинаётган ишларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бугун университетда, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда Г. Плеханов номи Москва иқтисодиёт академиясининг филиали, Махсус ихтисослашган бизнес мактаби, Бизнес-инкубаторлари ташкил этилган бўлиб, улар самарали фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, улар университет аудиторияларини энг замонавий компьютерлар билан таъминлашда салмоқли хисса қўшапти. Мультимедиа, CD-ROM дискориткичлари, сканерлар каби техник воситаларсиз ахборотлаштирилган жамиятни тасаввур этиш қийин. Ва, албатта, бугунги кунда республикамизнинг барча олий ўқув юрталарини глобал компьютер тармоқларига улаш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Бу эса, ўз навбатида, кўп масалаларни ҳал этишга имкон беради. INTERNET тармоғида нафақат электрон кўтубхоналар хизматларидан фойдаланиш, балки масофадан ўқитишнинг энг самарали йўлининг ташкиллаштириш мумкин.

Маълумки, ҳар бир фанининг ўқитилиши кўп жиҳатдан ўқув дастурининг замонавийлиги ва муқамаллиги билан боғлиқ. Уйлаймики, бугунги кунда яратилаётган «Информатика» фанининг янги намунавий дастури, биринчи навбатда, таълимнинг узлуksиз - тамойилларига асосланиши замон талабларидан сиратдир.

Ўқув жараёнида замонавий ахборот технологиялари, ҳисоблаш техникаси воситалари салмоқининг тобора ортиб бориши республикамиз олий ўқув юрталарида жаҳон талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардор мутахассисларни тайёрлаш борасида янги имкониятлар яратди, деган умиддамиз.



Қувончдан титраган онанг қўллари, Нурафшон оламга кўз-кўз қилса гар. «Инга»ларинг ила тўлдир дунёни, Гўдак, қутлуғ бўласи, бу зулуғ сафар! Содиқжон МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.

**ОҚСОҚОЛ АДИБГА ЭҲТИРОМ**

Алишер Навоий номи Наманган вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмадининг 80 ёшга тўлиши муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ шoirи Ҳабиб Саъдулла атоқдан адибни муборақбод этди. Шундан кейин адабиётшунос олимлар, ёзувчилар, шoirлар Саид Аҳмадининг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапиришди. Вилоят санъаткорлари ижросида куй-қўшиқлар янгради. Д. ЭРГАШЕВА.

## ОШҚОЗОНДАГИ «ГЕРОИН»

Бир ҳақимдан «Қандай одам жазога лойиқ?» — деб сўрабдилар. У эса «Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас. Жазога лойиқ — ваҳший хайвонлар, одамларга зийн етказадиган илон-чаён каби ҳайвонлардир. Аммо шундай одамлар борки, уларнинг вужудида даррнда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган зарарларига қараб жазоланадилар» деган экан. Наркокуръер, яъни гиёванд моддаларни бир жойдан иккинчи жойга ташиб ўтишга ҳаракат қилган бундай одамлар ҳам тегишли жазога лойиқдирлар.

ган жами 17 кг га яқин гиёвандлик моддаларини мусолара эдилар. Шу йилнинг дастлабки 4 ойи давомида Сурхондарё вилояти боқжоначилари қарийб 70 кг га яқин гиёвандлик моддасини жиноятчилардан тортиб олдилар. Уларнинг аксарият қисми энг захарли ҳисобланмиш «героин» наркотик воситасидир.

Яқинда Сурхондарё вилояти боқжоначилари чегара қўшинлари ҳарбий хамкорлиқи билан хамкорлиқда «Душанбе-Саратов» поезди йўловчиларини боқжона назоратидан ўтказётганларида, Тожикистон фўқароси Дўстмухаммад Умаров ҳамда унинг фарзандлари Фарход, Ҳасан ва Ҳусан, Савригуларнинг оёқ кийимларига яширилган 2 килограммга яқин «героин» гиёвандлик моддасини топиб олдлар. Шу поездининг 4-вагонда кетаётган душанбелик Бахтиёр Ибрагимов эса 3 кг га яқин «героинни» хўл мевалар тагига яшириб, Саратов шаҳрига олиб кетмоқчи бўлган экан. Эши 50 дан ошган, 4 фарзандини отаси бўлиши тожикистонлик Темур Ҳўжаев ҳам 1 кг га яқин «героинни» оёқ кийимга яширган ҳолда олиб ўтмоқчи бўлганда тўхтатилган. Вилоят боқжоначилари чегарачилар билан хамкорлиқда «Душанбе-Саратов» поездининг 6-вагонда кетаётган тожикистонлик

Исматулло Алиевнинг юқларини назоратдан

Маълумотларга қўра, гиёвандлик моддасини олиб ўтишга ҳаракат қилган кимсаларнинг деярли барчаси Тожикистон Республикаси фўқаролари бўлиб чикмоқда. Қўни кеча вилоят боқжоначилари «Душанбе-Саратов» поезди йўловчиларини боқжона назоратидан ўтказганларида, икки авлининг хатти-ҳаракати уларда шубҳа уйғотди. Тожикистондан бўлган бу авлилар ҳолислар иштирокида врач назоратидан ўтказилганда, улардан бири ярим килограммга яқин, иккинчи эса 300 грамм «героин» наркотик моддаларини ютган ҳолда Россияга қараб йўл олганлиги маълум бўлди. Сурштирувлар давомида авлилар арзиман ҳақ эвазига бу қавдли юқни айитган жойга олиб бориб беришга рози бўлишган. Мабода бу урамлардан бири ёрилиб кетгудек бўлса, нима бўлишини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Абдумўмин ТИЛОВОВ.

Боқжонага нима гап?

Мақтабларда сўнги кўнгирак чалинганга ҳам бир неча кун бўлди. Бирок машғулотлар поёнига етган бўлса-да, ўқитувчиларнинг кўнги тинчигани йўқ. Негаки, муқтаб хайта учирма бўлган ўғил-кизларнинг бир гуруҳи, хоҳиш-истагига қўра, ўқини давом эттириши, бошқа бир гуруҳи ишга жойлашиши, қолганлари эса ёзги таълини мароқли ва мазмунли ўтказмоқлари керак. Шундай ҳолатда устозларда ҳаловат бўладими? Асло!

Туман ҳокимлиги меҳнат ва бандлик, халқ таълими бўлими билан хамкорликда имтиҳонлар бошланган олдидан юқори синф ўқувчиларига сўровномалар тарқатди. Сўровномаларнинг мақсади ўқувчиларни умумлаштириб, тахлил қилинган, тегишли режалар ишлаб чиқилди. Маълум бўлишича, бу йил туман бўйича 2766 нафар йигит-киз мактабини битирар-

## «ЁЗГИ ТАЪТИЛНИ ДАЛАДА ЎТКАЗАМИЗ»

— дейишмоқда избосканлик юқори синф ўқувчилари.

кан. 1682 нафари олий, ўрта махсус ўқув юрталарида тахлил туримоқчи, 587 нафари эса ишлаб чиқаришда ўзини синиб кўрмоқчи. Тадбиркорлик, декан-фермерлик, хўнармандчилик билан шугулланимоқчи бўлганлар ҳам йўқ эмас.

Ҳўш, туманда ишчи ўринлари етарлими? Мавжуд корхона ва хўжаликлар бирданига шўна ёшларни ишга қабул қилишга тайёрми? Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, уларга иш топилади. Хўнар ўрганишни истаганлар эса-уста-шогирд усулида фаолият кўрсатадилар.

Шундай бўлса-да, ҳокимлик бу йилдан бошлаб ҳар бир мактабга гаула-дан бўшган майдонлардан уч гектардан ер ажратиб бериш ташаббуси билан чиқди. Дон тайёрлаш корхонаси ёш деҳқонларни ўз ҳомийлигига олди. Корхона уларга макжаҳўрнинг тез-пишар нави уруғини етказиб бермоқчи. Ҳосил йиғиштириб олинган, уни тайёрловчилар ўқувчилардан эркин баҳода сотиб оладилар. Даромад эса

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Термизнинг 2500 йиллиги олдидан ҚОРАТЕПА ТАРИХДАН СЎЙЛАР

Эски Термиз харобалари жойлашган ҳудудда жаҳон археология фани оламини хайратга солиб келётган Қоратепа деган тарихий ёдгорлик бор. Бу ердан топилган будда динига, маданиятига оид осори-атикалар чиндан-да бебаҳодир. Қоратепада қатор йиллардан буюн Ўзбекистонлик ва япониялик қадимшунослар қазилма ишлари олиб боришаптир. Ўзбекистон ФА Археология институти ва «Халқаро ипак йўли» академияси хамкорлигидаги экспедиция аъзоларини шу кўнларда Қоратепадан топилаётган далилий ашёлар ўтиши зарвараклари бўлиб қўвонтирмоқда.

— Бу ерда топилган иншоот қолдиқлари олис ўтмишдаги аждодларимизнинг чўқур маънавияти, маданиятидан дарак бериб турибди, — деди экспедиция раҳбари, тарих фанлари номзоди Шоқир Пиддоев. — Ушбу иншоот будда динига оид меъморий манзил бўлиб, у бундан 1600-1700 йиллар илгари бунёд этилган. Бу йилги мавсумда биз мазкур иншоот атрофида бир-бирини такрорламайдиган осори-атикалар, қулоччилик буюмлари топдик. Масалан, оқ мәрмартосдан тайёрланган устун-қошин юксак маҳорат билан ишланган. Ундаги нақшлар кишини хайратга солади. Бу устунда маҳаллий бактр,



финганхар ва юнон маданияти аъёналари мўжасамлашган. Биз, бундан ташқари, таиғалани бақтр ёзувлари битилган сопол идишлар, ҳайкалчалар ҳам топдик. Бемалол айтаманки, бу топиламалар, аввало, Марказий Осиёга будда динининг қачон кириб келганлиги ҳақида хабар беради, иккинчидан, олис аждодларимизнинг маънавий, маданий даражаси нечоғлик юксак бўлганлигидан даролаят беради.

1971 йилдан бери Сурхондарё тарихи билан қизиқиб, шугулланиб келлаётган япониялик таниқли тарихшунос олим, «Халқаро ипак йўли» академияси директори Като Кюдзо 78 ёшида кўна ўтмишимиз саҳифаларини ўқиб, қувватланиб юрган кишилардан бири экан. У киши жумладан шундай дейди:

— Қоратепада буддавий иншоот Марказий Осиёда топилган ана шундай ёдгорликларнинг энг йирингидир. Ҳом ёшдан қилинган бу иншоот хали тўлиқ очилган эмас. Қор, ёмғир таъсирида обида талофат қўришини назарда тутиб, унинг устини епяимиз. Барча масъулиятни зиммамга олиб айтаманки, бу обида жаҳон археологиясидаги ноб ва нодир саҳифадир. Уни авайлаб-асрамоқ, келажак авлодларга етказмоқ керак.

«Туркистон-пресс»

## МАРКАЗИЙ БАНК АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йилнинг 1 июнидан бошлаб, қайта молиялаш ставкасини ойига 2,3 фоиз даражасида белгилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

замонавий тўлов воситаси

#### СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Карточка эгаларига йилига 36% даромад тўланади. Бу фоизлар ҳар ойда ҳисобланиб, карточкангизга киритилиши ҳисобга олинса, Сиз қўйган маблағга қўшиладиган даромад йилига 42,6% ни ташкил этади.

Ҳисобварағингиз қаерда очилганидан қатъи назар, Сиз ўз сўм карточкангиз билан хоҳлаган пайтингизда бизнинг ҳар қандай муассасамиздан хоҳ банкотат, хоҳ касса орқали нақд пул олишингиз мумкин.

Сўм карточкаси ёрдамида супермаркетлар, дўконлар, ресторанлар, хизмат кўрсатиш корхоналари, уяли алоқа компанияларида товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш, шунингдек, авиа ва темир йўл кассаларидан чипталар сотиб олиш мумкин.

Сўм карточкаси эгаларининг ҳаёти ва саломатлиги бепул сугурта қилинади.

Ўзмилийбанк - катта даромад олишингиз ва пулларингизни бут сақлаш қафолати.



Сиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг истаган бўлим ёки филиалига мурожаат қилиб, сўм пластик карточкасизга эга бўлишингиз мумкин. Маълумот учун телефон: (+99871) 137-62-80



# МАЙДОН МАҲОРАТ АТОНАТ

Танишинг: олимпиадачиларимиз

Шерзодни оиладагилари, тенгдошлари, спортчи дўстлари хазиллашиб гўдакдагида чарм кўлқоп билан «йўрғакланган» дейишди. Бу таъриф замирида эса ҳақиқат ётади. Фарғоналиклар Шерзоднинг отаси Олимжон акани истеъдодли боксчи сифатида яхши билишди. У 70-80 йилларда турли мусобақаларда муносиб катнашган. Ўзбекистон халқлари спартакиадасининг голиби бўлган. Ақаси Шароф Хусанов эса 17 ёшидаёқ халқаро турнирларда доврў таратган. Кискаси, бугунги кунда 57 килограмм вазнда Сидней олимпиадасида юртимиз шанини химоя қилишдек шарофли вазифа юклатилган Шерзод боксчилар оиласида камол топди.



## ШЕРЗОДНИНГ КИМЛИГИНИ РИНГДА КЎРИНГ

— Эндигина эсимни таниган пайлардаёқ кўзим чарм кўлқопга тушган десам, янглишмайман, — дейди Шерзод. — Онамнинг айтишлари ётиқ, беланчакада ёстиқ ўрнига бошимга чарм кўлқоп кийиб экан. Олти ёшимда эса биринчи бўлиб калламдан ҳам катта перчаткани кўлимга кийиб, араг кўтарганимни элас-элас эслайман. Шерзод одамоҳун, дилбар йигит. У нафақат дўстларини, рингдаги биродарларининг давралидаги ажойиб ҳамсуҳбат бўлибгина қолмай, уларга қийин дамларда энг яқин маслаҳатдўст ҳам ҳисобланади. Шуниси эътиборга лойиқки, Шерзод Сидней олимпиадасида катнашадиган ўзбек боксчилари орасида энг ёш, навқирон айни пайтада, энг иқтидорли, келажаги порлоқ спортчилардан биридир. Шерзоднинг катта боксадаги дастлабки қадамлари га отаси Олимжон ака раҳнамолик қилган бўлса,

бокснинг сирли оламига Борис Баталов етаклаб кирди. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган дастлабки мусобақаларда голиб чиққан Шерзод ўша йили мамлакатимиз ўсмирлари ўртасида чемпион деган номни қўлга киритди. 17 ёшида эса Чирчик шаҳридаги турнирда биринчи ўринни эгаллади. Шу билан бирга турнирнинг «Энг яхши боксчиси» деган номга ҳам сазовор бўлди. Ўша йили Шерзодга Хинди-стонада ўтказилган халқаро турнирда катнашиш nasib этди. 12 та мамлакатдан таширф булорган боксчилар ўртасидаги турнирда ҳам голиблик шохуяласининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Оралдан бир йил ўтиб эса Таиландда ўтказилган Осие ёшлари ўртасидаги мусобақада юртимиз шарафини химоя қилди. Ва ердан ҳам чемпион деган ном билан кайтди. Уттан йилдан эса Сидней олимпиадасига тайёргарлик кўра бошлади. Бунинг учун Жанурий Кореяда ўтказилган саралаш мусобақаларида лоақал 2-ўринни олиши лозим эди. Буни қарангки, финал учрашуви 23 ян-

вар — айнан Шерзоднинг тағилган кўни ўтказилдиган бўлди. Фарғоналик ўғлон ўз таваллуд кўни голиб чиқди. У шохуяласининг энг юқори қисмига кўтарилгунга қадар Япония, Эрон, покистонлик боксчиларни догда қолдирган эди. — Хозиргача энг нуфузли турнирларда 30 дан зиёд «жанг» ўтказдим, — дейди Шерзод. — Лекин мен учун ёдимда сақланиб қолгани 1997 йилда Чирчикда Келдибой Ибисанов билан ўтказилган баҳс деб ҳисоблайман. Бу жанг менга халқаро турнирлар шўнчаки олишув, мушларнинг тўқнашуви бўлибгина қолмай, балки ақл, идрок билан рақибининг харақатларини, имкониятларини ҳис қилиб туриш лозимлигини ўргатди. Бошқача қилиб айтганда, бу галабам менга катта бокс йўлида ўзига хос мактаб бўлди. Сидней олимпиадасига қадар яна камида 4-5 та турнирда катнашмоқчиман.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЯНА РУСТАМ БИРИНЧИ

Спорт оламидаги кўпбўлиб тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган республика шахмат клубида донна сураётган вакилларимизнинг ақсарияти Ўзбекистоннинг камида бир бор чемпиони бўлган, қолганлари эса шунга интилаётган етакчи шахматчилар. Уларнинг ўзaro баҳсида ажойиб воқеалар кузатилиб, ўзига хос шахмат асарлари дунёга келмоқда. Халқаро гроссмейстерлар Рустам Қосимжонов билан Сайдали Йўлдошев учрашувида томонлар шотландча деб аталувчи усулнинг мураккаб кўринишларидан бирини ишга сойдилар. Оқ доналарни сурган Рустам баъзи бир пинхоний нарсаларга етарлича эътибор бермай оғир ахволда қолди ва мағлубиятини тан олди. Гроссмейстер Шўҳрат Сафин билан халқаро гроссмейстер Марат Жумаев ҳам кескинлик тарафдорларидан.

Уларнинг бу галги ўйинларида камдан-кам учрайдиган вазият эътибор бериб, Маратнинг доналари кутилмаганда қийин ҳолатга тушиб қолди. Сўнгра Шўҳрат юриш сайн позициясини кучайтириб, галабага эришди. Чемпионатнинг биринчи ярмига яқун ясовчи олтинчи турда Тоҳир Воҳидов билан Владимир Егин, Шўҳрат Сафин билан Сайдали Йўлдошев тезгина битимга имзо чеккан бўлсалар, М.Жумаев А.Алибоевни, Р.Қосимжоновни С. Умаровни, С. Загребелнийни эса Ф. Сатторовни енгди. Кеча ушбу мусобақа нихоясига етди. Яқуний натижага кўра 11 имкониятдан 7,5 очко жамгарган Рустам Қосимжонов биринчи ўринни эгаллади. Кейинги поконаларни В. Егин ва С. Йўлдошев банд эттишди. **Мамажон МУҲИДИНОВ, турнир бош ҳаками, халқаро арбитр.**



Бу вазиятда юриш қоралардан.

## Чанқоқбосди ичимликлар

Табиий ҳол: ўлкамизда ҳароратли кунлар бошланиши билан одамларнинг сув ва суюқликларга бўлган талаби ҳам ортади. Ана шу кезлари кўпчилик томонидан севиб истеъмол қилинадиган айрон ичимлиги ташналикни қондириш билан бирга, киши асабини ҳам сокинлаштириш хусусиятига эга. Бу шифобахш неъматни тайёрлаш учун қайнатилган сув муздек қилиб совутилади. Сўнгра қатик ёки сузмага озгина чанқоқни бостириб қолмасдан, терлаш воситасида организмдан чиқиб кетадиган биологик фаол моддалар ўринини ҳам тўлдириб туради. Уни истеъмол қилган киши тетиклашиб, баҳридли очилади. Айрон сопол кўзаларда сақланса, унинг табиий таъми ва салқинлик хусусияти яхши сақланади. **Маннон НАБИЕВ, доришунос.**



мавжуд бўлиб, у ўзининг табиийлиги билан ажралиб туради. Бу чанқоқбосди суюқлик қатикнинг қувда ажратиб олинадиган сўнг қолган суюқ қисми ҳисобланади. Айрон таркибида 1 фоиз атрофида ёғ, 13 фоиз оксил, салкам 5 фоиз микдорда қанд моддалари билан бирга, инсон учун зарур бўлган турли хил дармондорилар, аминокислоталар, ферментлар, мавжуд. Шу билан ҳам айрон фақатгина чанқоқни бостириб қолмасдан, терлаш воситасида организмдан чиқиб кетадиган биологик фаол моддалар ўринини ҳам тўлдириб туради. Уни истеъмол қилган киши тетиклашиб, баҳридли очилади. Айрон сопол кўзаларда сақланса, унинг табиий таъми ва салқинлик хусусияти яхши сақланади. **Маннон НАБИЕВ, доришунос.**

### «ДАРИТАЛ» Ўзбек-Италия кўшма корхонаси

Италия технологияси бўйича Европа сифати даражасидаги таркибий материаллардан

## ПОЙАБЗАЛИНИ

ишлаб чиқаради ва сотади.

### Сотув - улгуржи ва чакана нархларда, бозордагидан арзон.

Италия коллекциясининг 1999-2000 йиллардаги модели.

Телефонлар: **УРГАНДА (8-362) 223-39-91. Факслар: 229-21-78, 299-10-27.** **ТОШКЕНТДА 45-39-67.** Манзил: Тошкент ш. «Олмазор» кўчаси, 169-й (собиқ газламалар дўкони).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

2000 йил учун аспирантура ва клиник ординатурага қуйидаги ихтисослар бўйича қабул эълон қилади.

### АСПИРАНТУРАГА:

Психиатрия (1); анестезиология ва реаниматология (1).

### КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА:

Эндокринология (1); кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари (1); кўз касалликлари (2); юқумли касалликлар (1); тери ва таносил касалликлари (2); асаб касалликлари (3); онкология (2); психиатрия (2); стоматология (3); гематология ва трансфузиология (1); болалар хирургияси (1); анестезиология ва реаниматология (2); пульмонология (2); наркология (1); болалар юқумли касалликлари (1).

Ҳужжатлар қуйидаги манзила юборилсин: 700007, Тошкент шаҳар, Паркент кўчаси, 51, аспирантура ва клиник ординатура бўлими.


Телефонлар: 68-26-38; 68-25-49. Ҳужжатлар қабул қилиш муддати — эълон чиққан кўндан бошлаб бир ой.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «ВАКАНА — YUTUQ» масбуляти чекланган жамияти тугатилди. ОКПО коди 16640256. Барча даво ва эътирозлар эълон чоп этилгандан бир ой мuddатда қабул қилинади. тел: 74-36-19.



### ТАҚИҚЛОВ

Маълум бўлишича, «Кириш тақиқланади» ёки «Кириш ман этилади» деган иборалар тош асрида ҳам қўлланилган экан. Олимлар Испаниянинг Пасиега горидида баланд тошда битилган белгиларни (белгилар тош асрига тааллуқли) ўқишга мушарраф бўлишди. Агар у белгиларни хозирги замон тилига ўғирадиган бўлсак, «Бу ерга кириш ман этилади» деган маънони аңглатаркан.



### «ҚАРИЯ» ДУБ

Старо-загора шаҳри яқинида жойлашган Гранит қишлоғидаги дуб дарахти нафақат Булгорияда, балки Оврупоодаги энг кекса дарахтдир. Олимлар унинг ёши 1640 да деб тахмин қилишмоқда. Шунчалик «узок умр» кўрган дарахт бўлишига қарамай, у ҳали ягузал бўлиб, буйи 23,5 метр, кенлиги эса 7,46 метрдир. Старо-Загорага келган сайёҳлар, албатта, «қария» ёнида расмга тушмай кетмайдилар.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети жамоаси «Иқтисодий информатика ва АБТ» кафедраси доцентни Маъмура Фафуровага оталари Турсунали **ФАФУРОВ**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этидилар.

## ПОЙТАХТДА — ҲАМЗА ТЕАТРИ КУНЛАРИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги халқимизнинг маънавиятини янада ошириш, уларга миллий мафкура ва миллий гоъни сингдириш ҳамда санъаткорларнинг тошкентликлар билан маданий алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида шу йилнинг 2 июнидан 7 июлигача Ҳамза номидаги театр кўнарини ўтказишга қарор қилди. Шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган тадбирлар режасига кўра, барча туманларда муайян кунларда бу етан-

## «ОБИ ҲАЁТ» АИК АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Оби ҳаёт» акциядорлик инвестиция компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши 2000 йил 29 июнда компаниянинг Тошкент шаҳридаги мажлислар залида бўлишини маълум қилади.

**Қўш маълумот:**

1. Компаниянинг 1999 йил иш фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ва 2000 йил вазифалари тўғрисида.
2. Тафтиш комиссиясининг 1999 йилдаги молия-ҳўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи ва аудитор ҳуоасаси.
3. 1999 йил натижалари бўйича дивиденд тўлаши.
4. Бошқарув ва Кузатув кеняши таркибига ўзгартиришлар киритиши.
5. Ҳўсуслик ва тиричилик иккинчи босқичининг яқунлари.
6. «Оби ҳаёт» АИКнинг қайта ташкиллаштириш дастурини тасдиқлаши.
7. Ҳар хил масалалар.

Йиллик умумий йиғилишда қатнашни ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2000 йил 29 май ҳолатига кўра тузилган.

Йиғилишнинг бошланиши соат 11.00 да. Йиғилиш қатнашчиларидан 2000 йил 28 июнда етиб келишлари сўралади. Қўйд қилиш вақти 28 июн соат 10.00дан 13.00гача 29 июн соат 9.00дан 10.30гача.

«ОБИ ҲАЁТ» АИКнинг Кузатув кенгаши.

## ОБИ ҲАЁТ АКЦИЯДОРЛИК ИНВЕСТИЦИЯ КОМПАНИЯСИ 2000 йил 1 январи ҳолатига бухгалтерия баланси

| АКТИВ                                 | млн сўм       | ПАССИВ                                     | млн сўм       |
|---------------------------------------|---------------|--|---------------|
| 1. Асосий воситалар (қолдик қиймати)  | 8137          | 1. Устав капитали                          | 44523         |
| 2. Номоддий активлар (қолдик қиймати) | 2495          | 2. Қўш. капитал                            | 9717          |
| 3. Узок муddатли молиявий қўйилмалар  | 91791         | 3. Резерв капитали                         | 7849          |
| 4. Ишлаб чиқариш заҳиралари           | 864           | 4. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зара) | 5666          |
| 5. Кел. давр сарфлари                 | 970           | 5. Мақсадли тушум ва фондлар               | 723377        |
| 6. Пул маблағлари                     | 6826          | 6. Меҳнат ҳақи қарзи                       | 66            |
| 7. Капитал қўйилмалар                 | 1626          | 7. Бюджетдан қарз                          | 1531          |
| 8. Сотиб олинган акциялар             | 4947          | 8. Ижтимоий сугурта қарзи                  | 38            |
| 9. Дебитор қарзлар                    | 13162         | 9. Бюджетдан ташқари тўловдан қарзи        | 45            |
| <b>БАЛАНС</b>                         | <b>130818</b> | 10. Кредитор қарзлар                       | 338           |
|                                       |               | <b>БАЛАНС</b>                              | <b>130818</b> |

Бухгалтерлик ҳисоботи «Бухгалтер» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.

Тошкент фармацевтика институтининг раҳбарияти ва жамоаси институтининг ходими, тарих фанлари номзоди Билол Аминова палари бузрукхон **МАҲМУДХОН** отанинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этилади.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети жамоаси илмий котиб ёрдмачиси Саъдулла **ҚОРАЕВ**нинг бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этилади.

Тошкент Банк коллежи жамоаси коллеж директорининг ишлаб чиқариш бўйича муовини Нурмухаммад **КОМИЛОВ**нинг бевақт вафот этганини муносабати билан ота-онаси ва барча яқинларига чуқур таъзия изҳор этилади.

## «ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

### Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲХОДИЙ, И. ХУДОЕВОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. КАИСПЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

### БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-саноий ҳаёт — 133-57-34;  
Ҳўжж — 136-07-94;  
Иқтисодиёт — 136-36-65;  
Маънавият ва маърифат — 132-10-65;  
Хатмлар — 136-35-60;  
136-29-89;  
133-07-48;  
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;  
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;  
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;  
Котибият — 133-10-28;  
Эълонлар — 136-09-25.

### Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буортма Г — 516, 22228 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета РЕНТИМ-П компьютеризация терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — А. ОРИПОВ. Набатчи муҳаррир — Ж. САБДУЛЛАЕВ. Набатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ. Мусаххих — А. САТТОВОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 22.30  
1 2 3 4 5 6